O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 8 август, шанба • № 62 (11.045) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЕТТИ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ҚУТЛУҒ БАЙРАМГА ҲОЗИРЛИК

Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг етти йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Унда ташкилий қўмита аъзолари, тегишли вазирлик, идора, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси Исмоил Жўрабеков бошқарди.

Таъкидланганидек, анъанага кўра қутлуғ байрам мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида улкан муваффақиятлар билан кутиб олинмоқда. Иқтисодий соҳада салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Галла мустақиллигини таъминлаш йўлида яна бир муҳим қадам ташланди.

Шонли сана муносабати билан республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида бунёдкорлик ишлари авж олиб кетди. Байрам арафасида халқаро аҳамиятга молик Қамчиқ довони ер ости йўлининг биринчи навбати қуриб битказилди. Икки буюк ватандошимизнинг таваллуд кунлари муносабати билан Самарқандда Имом Ал-Бухорий ҳамда Фарғона ва Қувада Аҳмад Ал-Фарғоний улкан ёдгорлик мажмуаларини қуриш ишлари жадал олиб борилмоқда. Кўпгина янги мактаблар, замонавий қишлоқ врачлик пунктлари, уйжой бинолари, маданий-маиший иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда, ичимлик сув ва табиий газ қувурлари тортилмоқда. Савдо шоҳобчалари, спорт майдончалари, хиёбонлар бунёд этилмоқда.

Байрамнинг асосий тантаналари мамлакатимиз пойтахти — азим Тошкентда ўтказилади. Мажлисда бу ерда бўлиб ўтадиган байрам томошасининг бадиий сценарийси ва уни сахналаштириш масаласи кўриб чиқилди. Бу ҳақда сценарий муаллифи А. Орипов, бош режиссёр Р. Ҳамидов, "Ўзбекнаво" гастроль-концерт бирлашмаси бош директори А. Назаровнинг ахборотлари тингланди. Байрамга тайёргарлик ишлари қандай бораётгани ҳақида маданият ишлари вазирининг ўринбосари, республика ишчи гуруҳи раҳбари Б. Абдураҳимов, асосий саҳна ва амфитеатрнинг қурилиш ишлари тўғрисида эса "Тошкентуйжойинвестқурилиш" корпорацияси раиси Т. Зокиров ахборот берди.

Вилоятларда байрамга тайёргарлик хусусида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, Сурхондарё, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари маълумот берди. Мажлисда, шунингдек, Тошкент шаҳрида озодалик, санитария-гигиена ишларининг ҳолати тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Бу ҳақда республика бош санитария врачи Б. Ниёзматов ахборот тингланди.

Қутлуғ байрамга ҳозирлик юзасидан бегиланган барча тадбирларнинг ўз вақтида бажарилиши ва тантаналарнинг кўтаринки руҳда ўтишини таъминлаш юзасидан мажлисда тегишли вазирлик, идора, ташкилотлар раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисда Бош вазир ўринбосарлари А. Азизхўжаев, Л. Аҳметов, М. Усмонов, Р. Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).

ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАБ ЯШАЙЛИК

Вилоят ҳокимининг қарори билан барча шаҳар ва туманларда раҳбар ходимларнинг "Маънавият соатлари" ўтказила бошланди

...Оққан дарёни, ўтган вақтни, бой берилган умрни орқага қайтариб бўлмайди. Аммо инсон ҳаёт экан, қачондир амалга ошмай қолган орзуларини рўёбга чиқаришга, савоб амаллари ила ўзидан яхши ном қолдиришга интилиб яшайди. Зеро, эзгуликнинг кечи йўқ. Эзгулик йўлида чекилган машаққатлар эса нафақат ёруғликка элтади, балки руҳни тозалайди, қалбни гўзаллаштиради!

Мана, бир неча йилдир-ки, вилоятимиз аҳли юрагида пинҳон армон ва юксак ишонч билан ҳосиятли заминимизнинг шуҳратини тиклаш, уни ҳар соҳа, ҳар жабҳада пешқадам ва намуна қилиш истагида астойдил тер тўкиб ишламоқда. Вилоятимизда катта ўзгаришлар юз бермоқда, кенг миқёсда бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётир, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, илм-фанни ривожлантириш борасида жиддий саъй-ҳаракатлар бошланган... Табиийки, бу каби масъулиятли вазифани охирига етказиш, халқимизни улуғ ижодкорлик ишларига жалб этиш жойлардаги раҳбарларнинг масъулиятига, адолат билан иш юритишига, ташаббускорлигига ва айниқса, ақл-заковатига боғлиқдир. Демак, бугунги раҳбар нафақат ташкилотчи, балки одамлар дилини тушунувчи, уларни ўз ортидан эгаштира олувчи юксак фазилатли инсон бўлмоғи лозим.

"Маънавият соатлари"

Вилоят ҳокимлиги тараққиёт йўлини айнан ана шу раҳбар ходимларнинг "Маънавият соатлари"ни ташкил этиш ва шу орқали уларда кенг билим ва дунёқарашни шакллантиришдан бошлади. Тошкент туманидаги Шредер номли илмий-ишлаб чиқариш институти боғида бўлиб ўтган дастлабки ҳудудий тадбир бу йўлнинг мақбул ва зарурлигини яна бир бор тасдиқлади.

Тадбирни вилоят ҳокими Эркин Рўзиев қисқача кириш сўзи билан очди.

"Маънавият соатлари"да иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев бугунги кун раҳбарининг жамиятда тутган ўрни ҳақида маъруза қилди.

— Биз мустақиллигимизнинг ўтган етти йили давомида неча юз йилликларнинг ишини қилдик, десак хато бўлмайди, — деди у ўз сўзида. — Энг муҳими, меҳнаткаш халқимиз бу мустақилликни бутун вужуди билан қўллаяпти, уни сақлаб қолишга интилаяпти. Улар бугунги кунидан рози, эртанги кунидан умиди катта. Жойлардаги катта-кичик раҳбарларимиз аввало, одамлардаги мана шу ишончни ривожлантириш пайида бўлишлари лозим. Ҳозирги замон тақдирини фақат бугунги кун режасини ўйлайдиган кишилар эмас, балки юксак тараққиётни, келажакни ўйлаб ҳаракат қиладиган кишилар ҳал қиладилар. Биз Қонунларни устивор билиб яшашни ўрганишимиз керак. Ўтган етти йил ичида 300 га яқин қонунлар қабул қилдик. Инсон манфаатларига, юрт истиқболига хизмат қилувчи бу қонунлар нима учун амалда тўла ижросини топмаяпти? Бунинг фақат битта сабаби бор: лоқайдлик! Афсуски, бундай муҳим қонунларни, Президент фармонларини, қарорларни кенг оммага етказиш ва унинг ижросини таъминлашга масъул бўлган раҳбарларимизнинг ўзлари ҳали лоқайдлик касалидан тўла қутула олганлари йўқ. Шу маънода, Тошкент вилояти мамлакатда биринчи бўлиб раҳбарлар ўртасида "Маънавият соатлари" доимий тадбирини ташкил этиб, хайрли ишга қўл урди. Биз буни чин дилдан қўллаб-қувватлаймиз ва бу саъй-ҳаракатни бошқа вилоятларда ҳам кенг ёйишга ҳаракат қиламиз.

Республика Президенти ҳузуридаги "Давлат ва жамият қурилиши академияси"нинг проректори, профессор Нажмиддин Комилов йиғилганлар эътиборини раҳбарлардаги одатда майда бўлиб кўринадиган, аммо салоҳиятига кўра катта муаммоларни ҳал қила оладиган баъзи хусусиятларга қаратди:

— Биз раҳбарнинг одиллиги ҳақида кўп гапирамиз. Мана шу одиллик аслида нимадан иборат? — деди у жумладан. — Айтайлик, бирор хўжалик ёки корхонага раҳбарлик қилаётган одам ўз тасарруфидаги мактаб ёки боғчани айланиб кўрса, ўқув шароитлари билан танишса, иқтидорли, истеъдодли болаларни ўз ҳимоясига олса, бунинг савобига нима етсин?! Адабиётга қизиқадиган, шеъриятга кўнгил қўйган, рассомлик ёки мусиқага ошно тутинган ижодкор болалар ҳамма жойда бор. Ҳатто қишлоқларда ҳам истеъдодли, нафақат илм олишда, балки спорт соҳасида ҳам изланишлар қилаётган болалар йўқ эмас. Улардаги иштиёқни ривожлантириш, тарбиялаш, элга танитиш — бевосита ўша жойдаги раҳбарнинг вазифаси эмасми? Ахир қайси йўналишда бўлмасин, ёш юраги эзгулик билан ёнаётган бу ёшлар бир кун келиб шу қишлоқ учун, шу юрт обрўси, шу ватан тараққиёти учун хизмат қиладилар-ку!

Шундай экан, биз улардаги дунёқарашни, тафаккурни ўстиришимиз керак. Замон — фикрлаб яшайдиган кишиники. Шу маънода, маънавият борасида жиддий ҳаракат бошлаган Тошкент вилоятида аҳолининг китобга, газета-журналлар ўқишга бўлган муносабатини яхшилашга ҳам эътибор қаратилади, деб умид қиламан. Вилоят ҳокимлиги келгусида обуна масаласига ёрдам берса, саҳоватли раҳбарларнинг кўмаги билан ҳар бир хонадонга газеталар кириб бориши таъминланса, демак маънавият борасидаги ҳаракатлар ҳам жадаллашиши шубҳасиз.

Анжуманда қатнашган республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик марказининг раҳбари, ёзувчи Неъмат Аминов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими раиси Шарифа Салимова ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб, мамлакатимизда истиқлол ғояларига содиқ, мустақил фикрлай оладиган, изланувчан авлодни вояга етказиш, уларда миллий ва умуминсоний қадриятларни камол топтириш хусусида ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Бундай тадбирлар вилоятимизнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам бўлиб ўтади.

Зарифа ЭРАЛИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"нинг махсус мухбири.

УНИ ИСМОИЛ ФЕРМЕР ДЕЙДИЛАР

Ҳозир шундай замонки, кимки ҳисоб-китоб билан иш юритмаса, ҳамёнидан айрилиб қолиши ҳеч гап эмас. Буни яхши англаган тадбиркорлар қанчалик меҳнат қилаётганликлари, сарф-харажатлари, кирим-чиқимлари-ю, даромад-буромадларини ҳисоб дафтарига эринмай қайд қилиб борадилар.

Вақти-вақти билан дафтарга қараб, хулоса қиладилар, режа белгилайдилар.

Бўка туманидаги Улуғбек номли жамоа хўжалиги деҳқон-фермери Исмоил Абдиевнинг эса бунақа ҳисоб дафтари йўқ. Унинг ҳисоб дафтари 45 гектарлик даласи-ю, ана шу даладаги пахтазор! У ҳар куни эрталаб, дам олиш пайтида ва кечқурунлари ана шу улкан "ҳисоб дафтари"ни эринмай "варақлайди", шу аснода экинлари билан сўзлашади.

Мана бу суратга диққат билан назар ташланг-а, ҳисоб дафтарини "варақлаётган" Исмоилнинг ҳаёлидан нималар кечяптийкин! Ҳар йили шу касб билан шуғулланаверганингдан сўнг ғўза ҳам бамисоли фарзанд қатори бўлиб қолар экан, деб ўйламаяптимикин у. Эҳтимол.

Ҳар тупида беш-олтитадан кўсак тўплаган ғўзалар фермер Исмоилга "Баракалла, биз сендан розимиз. Энди бор ҳосилимизни асраб-авайлаб, сенинг юзингни ёруғ қиламиз", деб миннатдорчилик билдириб, бош чайқаётгандек. "Бўш келиш қаёқда. Ахир 45 ни кўзлаб турибмиз. Ўзим ҳам бўш келмайман, бошқаларга ҳам тиним бермайман!" — шивирлайди фермер.

Аҳдга садоқатлик белгиси бўлган бу нидо ҳар туп ниҳол ғўзанинг ҳам "қулоқ"ларига етиб бориб, уларни сергаклантирмоқда, руҳлантирмоқда.

Ҳусанбой АВВАЛОВ
сурат-лавҳаси.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

"СКЕТ" КАФОЛАТЛАЙДИ

ЎЗБЕКИСТОН қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати жамоаси ўзи ишлаб чиқараётган электр чироқларини республикамиз ички бозорига чиқариш баробарида қўлдаб экспорт ҳам қилмоқда.

Электр ёритгичларнинг яқинда ўзлаштирилишига қарамай, сифати жаҳон мезонлари даражасида бўляпти. Шунинг учун ҳам ҳозиргача бирортасининг ҳам сифатсизлиги ҳақида норозилик мактублари тушмади. Лекин, бу истеъмол буюмига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда.

Маҳсулот сифати ҳар бир босқичда қаттиқ ва синчковлик билан назорат қилинмоқда. Бунинг учун "Скет" немис фирмасида тайёрланган мураккаб қурилмадан фойдаланилмоқда. У электр чироқларининг ҳар бирида андак нуқсон бўлса ҳам ўтказмай, қайта ишлашга жўнатади.

Собир ҲАМИДОВ.

"ХОЛДЕРБАНК" МАДАДИ

"ОҲАНГАРОНЦЕМЕНТ" комбинатининг халқаро алоқалари кенгайиб боряпти. Цемент ишлаб чиқариш бўйича Оврупо қитъасида етакчилик қилаётган ва дунёдаги 50 дан ортиқ мамлакатларда иш юритаётган Швейцариядаги "Холдербанк" компанияси ўзбекистонлик ҳамкасблари фаолияти билан қизиқиб қолди.

У оҳангаронликларнинг берган ваъдаси уддасидан чиқадиган, бир сўзли ва ўз ишига пишиқ эканлигига ишонч ҳосил қилиб, ўтказилган тендер асосида комбинатнинг 24 фоиз акциясини сотиб олди. Эндиликда "Холдербанк" раҳбарияти комбинат ишлаб чиқаришига 20 миллион долларга яқин маблағ сарфлашни режалаштирмоқда.

Раҳим ҚОДИРОВ.

МУҲОКАМАДА... ДАРСЛИКЛАР

ВИЛОЯТ ўқитувчилар малака ошириш институти жамоаси республика миқёсида ўтадиган Ўзбекистон тарихи бўйича янги дарсликлар муҳокамасига бағишланган анжуманга қизғин ҳозирлик кўрди.

Шу йил 10 августда бошланадиган бу мулоқот даврасида 5—11 синфлар учун яратилган янги тарих дарсликлари матнлари тарихшунос олимлар, ўқитувчилар ҳукмига ҳавола этилади.

Қўлёзмалар орасида қатор илмий комиссиялар кўригидан ўтган, 6, 9, 11-синфлар учун яратилган янги "Ўзбекистон тарихи" дарсликлари ҳам бор. Улар анжуман иштирокчилари тавсияларини олгач, нашрдан чиқарилади.

Ҳасан САИДОВ.

ЎСМИРЛАР ТАРБИЯСИ — МУҲИМ МАСАЛА

Яқинда Олмалиқ шаҳрида балоғатга етмаганлар ва ўсмирлар ишлари билан шуғулланувчи вилоят комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда мазкур комиссия аъзолари, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг муовинлари, шаҳар ва туманлар ички ишлар бўлинмаларининг балоғатга етмаганлар билан ишлаш нозирлиги бошлиқлари, "Маҳалла", "Камолот" жамғармалари шаҳар ва туман бўлимларининг раислари, шаҳар ва туманлар халқ таълими бўлимлари мудирлари қатнашдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг муовини А. Раҳимбердиев бошқарди.

Йиғилишда "Тошкент вилоятида балоғатга етмаган ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши кураш ишларининг 1998 йил биринчи ярми якунлари тўғрисида"ги масала муҳокама этилди.

Бу масала юзасидан вилоят Ички ишлар бошқармаси жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси катта нозири вазифасини бажарувчи М. Саидаҳмедов ахбороти тингланди.

Йиғилишда мазкур йилнинг биринчи ярмида балоғатга етмаган ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ҳамда жиноятчиликка қарши кураш юзасидан бир мунча тадбирлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

Айни пайтда вилоятда ҳали бу соҳада тарбиявий ишларни янада кучайтириш талаб қилинади. Айниқса, Зангиота, Чиноз, Ўртачирчиқ туманларида ўсмирлар билан ишлашда лоқайдлик ҳоллари мавжуд.

Нотиқлар, шунингдек, қатор қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳаллаларда бу борадаги ишларга эътиборнинг сустлигини таъкидлаб ўтдилар.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи О. Тожиев, "Камолот" жамғармаси вилоят бўлими раиси Ё. Турсунов, вилоят маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази раиси Р. Шералиев, Янгийўл шаҳар ҳокими муовини Х. Тешабоев, Олмалиқ шаҳар ҳокими муовини Н. Эшмуродов, вилоят ҳунар-касб таълими бошқармаси бошлиғи А. Йўлдошев, вилоят прокуратураси балоғатга етмаганлар ва ўсмирлар билан ишлаш бўлими масъул ходими Р. Бобоева ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Август кенгашлари олдидан

КЕЛАЖАКНИ БУГУН КЎЗЛАЙЛИК

***АНЪАНАВИЙ** август кенгашлари яқин. Анжуманларнинг ҳар йилгидан ўзгача ўтишига шубҳа йўқ. Чунки, кейинги икки йилнинг ўзидагина халқ таълими, олий таълим тизими катта ўзгаришлар сари юз тутди. Янгича шакл ва мазмун билан бойиди. Жаҳон андозаси талаблари даражасидаги малакали мутахассислар тайёрлаш, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари дастурларини яратиш, уларда ўқув-тарбия услубларини шакллантиришда аниқ йўналишлар белгилаб олинди.*

Август анжуманлари учун мавзулар доираси кенгайди. Биз шуни назарда тутиб, кенгашларда кўпроқ қайси масалалар хусусида фикр юритишни истардингиз, биринчи дарсларингизни нималардан бошламоқчисиз, дея бир неча ўқитувчиларга мурожаат қилдик. Улардан айримларининг мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

"ИФТИХОР ДАРСИ" ДЕБ АТАЙМАН

Тўхтабу УЗОҚБОЕВА,
Янгийўл шаҳридаги 15-мактаб химия-биология ўқитувчиси, "Шуҳрат" медали совриндори

— Бугунги кун биздан илгариги қолиплардан чиқиб, эркин фикрлашни талаб қиляпти. Шу боис, мен биринчи дарсларимни ўзимга ажратилган синфларда "Ифтихор дарси" деб атамоқчиман. Бунга тўла асос бор. Мустақилликнинг етти йили ичида фахрланиб айтишга арзийдиган муносиб мисоллар кўп.

Маърузаларни ўқувчилар кўз ўнгида рўй берган ўзгаришлардан бошламоқчиман. Масалан, вилоятимиздаги шаҳарлар, пойтахтимиз Тошкентнинг истиқлол йиллари мобайнида чиройигачирой қўшилганлигини олайлик. Бири-биридан кўркам, миллий меъморчилигимизга мос тарзда қурилган бинолар, кенг, равон кўчалар, нафис фавворалар, файз бахш этиб турган салобатли бозорлар...

Буларнинг ҳаммаси мустақиллик меваси.

Мамлакатимизнинг ҳурликка эришуви тадбиркорликка кенг йўл очганлиги хусусида ҳам гапириб, маҳаллаларда бўрсилдоқ нонлар ёпиб, элга тортиқ қилаётган нонвойлар, ёғочга жон киргизаётган ҳунармандлар, ганчкорлар ва бошқа касб эгалари ҳақида тўхталишни ният қилиб қўйдим. Истиқлол туфайли одамлар шарқона услубда қурилган шинам дўконлар, ошоналарнинг эгалари бўлишди. Энг муҳими мамлакатимизни жаҳон таниди. БМТ биноси пештоқида байроғимиз мағрур ҳилпирамоқда.

Ана шулар ҳақида сўзлар эканман, фикримни таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар билан боғлайман. Бунда республикамизда эскича ўқитиш энди ўзини оқламаётганлиги, Ўзбекистон бу борада ҳам ўз йўлини танлаганлигига алоҳида тўхталаман. "Таълим тўғрисида"ги қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг моҳиятини ўқувчиларимга тушунтириб бераман. Тўққиз йилликдан кейин истаган ўқувчи академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқиб, билимини янада чуқурлаштириши, албатта, ўзи севган ҳунар эгаси бўлиши учун мамлакатимизда шарт-шароитлар яратилаётгани тўғрисидаги фикримни аниқ мисоллар билан мустаҳкамлайман.

МАЪНАВИЯТ ҲАҚИДА ТЎХТАЛМОҚЧИМАН

Карима ВАКИЛОВА,
Зангиота туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси, 1-даражали "Соғлом авлод учун" ордени совриндори

— Тўғрисини айтсам, ҳали ёшлар маънавияти, жамоа орасида ўзини тутиши, тарбиясидан кўнглим тўлмайди. Ҳамон Оврупо маданиятига ёки қайсидир хорижий мамлакатнинг урф-одатларига тушуниб-тушунмай берилиш ҳоллари учрайди. Бунга кўпчилик гувоҳ. Қачон ўзбек қизи киндигини кўрсатиб, ярим-яланғоч юрган. Ёки қачон куппа-кундузи ҳеч кимдан андиша қилмай, тўғри келган жойда қучоқлашиб, ўпишиб турган. Ё бўлмаса, жамоа жойларида тиззадан юқори калта иштон кийиб юриш ўзбек йигит-қизларига қачондан бошлаб хос бўлган.

Мактаб болалари орасида чекишга ружу қўяётганлар, қўлига китоб олишдан кўра бозорни афзал деб билиб, даста-даста пул топиб, маишатга берилиб кетаётганлар оз эмас. Маънавиятимиз, маданий-маърифий ишлардаги ночорлигимиз республика Вазирлар Маҳкамасининг яқинда матбуотда эълон қилинган қарорида ҳам таъкидлаб ўтилди. Шунинг учун биринчи дарсимдан бошлаб энг сўнгги дарсимгача асосий мавзулардан ташқари маънавиятга кўпроқ вақт ажратаман. Зеро "Таълим тўғрисида"ги қонунда ҳам, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да ҳам маънавият устун бўлиши кераклиги алоҳида эътироф этилган.

Август анжуманларида яна бир муҳим масала ҳақида касбдошларимга айтадиган гапим бор. Маълумки, билим дарсликлардан бошланади. Истиқлол йиллари ичида қатор фанлар бўйича янги дарсликлар босилди. Лекин халқимиз тарихи холис ва ҳаққоний акс этган дарсликка ҳамон муҳтожмиз. Аммо, шундай деб қўл қовуштириб ўтираверсак, ўринли бўлмас. Республика Президентининг тарихчилар билан бўлган мулоқотидан кейин бу борадаги ишларнинг жадаллашувига шубҳам йўқ. Мен айтмоқчи бўлган фикр — янги тарих дарслиги чиққунча газета ва журналларда босилаётган ўтмишимизга оид ўқимишли, олимларимизнинг холис мақолаларидан фойдаланаверайлик. Ёш авлодга бугундан бошлабоқ тарихимиз, аждодларимиз ҳаётини ўргатиб бориш керак, демоқчиман. Баркамол, маънавий етук ёшларни тарбиялаш борасида вақтни бой бермаслигимиз керак. Зотан, келажакни бугунданоқ кўзлайлик.

Суҳбатдош Саидвали ҲАСАНОВ.

ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

Эртага — қурувчилар куни





"Тошвилагроқурилиш" бирлашмасига қарашли 33-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна қурувчилари бугунги кунда Чиноз туманидаги қурилиш ташкилотлари ўртасида етакчилик қилиб келишмоқда. Кўчма колоннада 238 нафар қурувчи, муҳандис-техник ходимлар меҳнат қилишади. Улар республика Олий Мажлиси биноси қурилишида иштирок этганликлари билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Шунингдек, 1997 йилнинг август ойида фойдаланишга топширилган "Тошкент ҳайвонот боғи" қурилишида ҳам кўчма колонна қурувчиларининг муносиб улушлари бор. Улар шу йилнинг олти ойи мобайнида 33 миллион 997 минг сўмлик қурилиш ишларини бажаришга муваффақ бўлишди.

— 1987 йилдан бери шу қурилиш ташкилотига раҳбарлик қиламан, — деди кўчма колонна бошлиғи Аҳмадали Худойберганов. — Мустақиллик йилларида ташкилотимиз ишлари янада жонланиб кетди. Бунинг биринчи сабаби ишимизни ўзимиз режалаштириш имкониятига эга бўлганимиздадир. Ишни асосан ишчилар малакасини ошириш, зарур асбоб-ускуна, қурилиш мосламаларини янгилашдан бошладик. Бу тез орада ўз самарасини кўрсатди. Қурилиш ташкилотларининг тендорида ғолиб чиқиб, буюртмалар ола бошладик. Бозор иқтисодиёти шароитида буюртмачига ҳам арзон, ҳам сифатли хизмат кўрсатиш ҳаммага ҳам маъқул келади, албатта.

Дарҳақиқат, бугунги кунда 33-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна қурувчилари олаётган буюртмалар кенг кўламлидир. Айни пайтда улар "Гиштқўприк" қўрғонидаги божхона мажмуаси, Жанубий Корея билан ҳамкорликда бунёд этилаётган йигирув-тикув фабрикаси, Тошкентдаги "Космонавтлар" метро бекати олдидаги офис қурилишларида иштирок этишаётир.

Тажрибали қурувчилар кўчма колоннанинг олтин фонди ҳисобланади. Қурилиш ташкилотида улар кўпчиликни ташкил этади. Масалан, Зулфия Белалева пенсия ёшида бўлса ҳам бетон қорувчиликдек масъулиятли касбни кўп йиллардан бери эъзозлаб келади. Зулфия опа бугунги кунда қадрдон ташкилотининг мураббий қурувчиларидан ҳисобланади. Комил Юсуповни кўчма колоннада уста сувоқчи дейишади. Гулжон Аҳмадиева Татьяна Серебрянская сингари буёқчилар эса йигирма йилдан буён ушбу ташкилот қурилишларида меҳнат қилишади. Бош муҳандис Нурғали Ҳалимов, муҳандис Гуляра Абибуллаевалар барча ишларга бош-қош.

Ҳозирги кунда колонна жамоаси Чиноз туманида ҳам бир қанча қурилиш ишларини амалга оширишяпти. Бу ерда ўндан ортиқ турли касб эгалари меҳнат қилишади. Ўттиз йилдан буён дурадгорлик қилиб келаётган Мирабдулла Валиев ёшларнинг жонкуяр устозидир. Баҳром Норқўзиев эса қўли гул бўёқчиларга сардорлик қилади.

Бугунги кунда Чинознинг Сирдарё вилояти билан чегарадош қисмида катта ободонлаштириш ишлари олиб борилаётир. Янги Чиноз бозори миллий услубда қайта таъмирланди. Йўлнинг қарши тарафида ажойиб хиёбон барпо этилмоқда. Бу ерда "Ўзбозорсавдо"га қарашли замонавий қаҳвахона қад ростлади. Бино қурилишини биз ҳикоя қилаётган кўчма колонна қурувчилари бажаришмоқда.

Йиллар ўтаверади. Дарё ўзанида боғлар барпо бўлганидек, қурувчиларнинг умр йўлларида тиклаган бинолари авлодларга мерос бўлиб қолади. Зотан, қурувчилик сермашаққат, шунинг билан бирга шарафли касб ҳамдир.

Орзикул МАЪМУРОВ.

СУРАТЛАРДА: (чапдан) кўчма колонна бошлиғи Аҳмадали Худойберганов, илғор қурувчи Ҳамидулла Юсупов ва иш юритувчи Ҳамид Умаровлар; Янги Чиноз қўрғонининг Сирдарё вилояти билан чегарадош қисмида обод этилаётган хиёбон; ғишт терувчилар бригадасининг бошлиғи Абдулла Холматов иш устида (ўнгда).

Абдужалол РАҲИМОВ олган суратлар.

ҚИШЛОВ ҒАМИДА

Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги "Ангрен" ширкат хўжалигида чорва қишловига тайёргарлик авж олиб кетди. Айни пайтда бу ерда 200 тоннага яқин пичан, 17 тонна хашак, 100 тонна сомон, 575 тонна сенаж ғамлаб қўйилди. Мавжуд йигирма отарнинг ҳар бирига қишловга етадиган миқдорда ем-хашак етказиб берилаётир.

Хўжаликда 7 минг бош қўй-эчки, 320 бошдан зиёд қорамол боқилмоқда. Бу йил совлиқлардан олинган салкам уч минг бош соғлом қўзининг кўпи ўстиришга қолдирилди. Соғин сигирлар сони ҳам кўпайтирилмоқда.

Н. ДУШАЕВ, ЎзА мухбири.

Шартномалар кимга хизмат қиляпти?

АГАР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИ ТАНЛАСАНГИЗ...

Вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Эргаш ХОЛМАТОВ билан суҳбат.

— Эргаш Аноркулович, мустақил давлатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар кишиларимизнинг нафақат ҳаётини, балки онгини ҳам ҳуқуқий жиҳатдан анча ўзгартирди, десак хато бўлмайди. Хусусан, ўтган етти йил ичида халқимиз фаровонлиги ва мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилувчи бир қанча муҳим қонунларнинг қабул қилинганлиги ва уларнинг аксарияти умумхалқ муҳокамасидан ўтказилганлиги бир томондан иқтисодий ва ижтимоий янгиланишларга йўл очаётган бўлса, иккинчи томондан юртимизда ҳуқуқий демократик жараёнларнинг янада фаоллашуви таъминланмоқда. Шу маънода, вилоятимизда қонунларни ўрганиш ва тарғиб қилиш, уларнинг ижросини таъминлаш борасида қандай амалий ишлар қилинаётганлиги бугунги суҳбатимизга бош мавзу бўла олади, деб ўйлайман.

— Дарҳақиқат, янгиланаётган ҳар қандай жамиятда ўзига хос янги йўналишлар, янги тузилмалар, янги қонунлар пайдо бўлиши табиийдир. Аммо бизнинг ютуғимиз шундаки, қабул қилинаётган ҳар бир қонунда халқ манфаати ва юрт равнақи устивор қилиб қўйилмоқда, уларда миллий анъаналаримиз ва хусусиятларимиз ҳисобга олинмоқда. Масалан, хўжалик юритиш ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ фармон ва қонунларни олиб кўрайлик. Буларни дастуриламал қилиб ишлаётган кўплаб корхона ва ташкилотларда, ҳатто кичик-кичик фермер хўжаликларида ҳам иқтисодий ўсишлар кўзга ташланмоқда. Яқинда "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартнома-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Бу ҳам шартномавий муносабатларни замон талаблари даражасида ташкил этиш ва унинг ҳуқуқий меъёрларини белгилашда муҳим ўрин тутиши шубҳасиз.

Аммо шу ўринда мен Президентимиз Ислом Каримовнинг "Бу қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар ҳаётда нима учун амал қилмаяпти? Нима ҳалақит беряпти?" деган саволларини яна бир бор эслагим келди. Чунки саволнинг бундай кўндаланг қўйилиши бежиз эмас эди. Қабул қилинаётган қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари гарчи халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мос келсада, амалда унга риоя қилиш, унинг ижросини таъминлаш суст бораяпти. Қонунлар, айниқса, иқтисод соҳасида яхши ишламаяпти, уларни оддий фуқароларга, тадбиркор ва хўжалик раҳбарларига тушунтириш, амалда қўллашни жонлантириш талаб даражасида эмас. Шубҳасиз, бунда бевосита шу ишга масъул бўлган ҳуқуқшунос мутахассисларнинг ҳам айби бор. Айрим ҳолларда улар иштирокида хўжалик юритиш соҳасида тузилаётган шартномалар, меъёрий ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қонуний жиҳатдан тўла асослантирилмаяпти, шартнома тузиш маданиятининг пастлиги баъзи чалкашликларни келтириб чиқаряпти.

Устига-устак халқ хўжалигининг турли тармоқларида фаолият кўрсатаётган ҳуқуқшуносларнинг кўпчилиги бугунги кунда бошқа иш ахтаришга мажбур бўлмоқдалар. Чунки баъзи шаҳар ва туманларда раҳбар ходимлар лавозимини қисқартириш вақтида биринчи навбатда ҳуқуқшуносларни "қисқариш рўйхати"га киритиш одат тусига кириб қолди. Натижада, 1990 йилда вилоятда халқ хўжалиги тармоғи бўйича 800 нафар ҳуқуқшунос фаолият кўрсатган бўлса, бу йилга келиб улар бор-йўғи 250 кишини ташкил этади, холос. Аграр саноат мажмуида ҳам аҳвол шу. Менимча, мулкчиликнинг хилма-хил шакллари пайдо бўлаётган ҳозирги шароитда уларни зўр бериб камайтириш эмас, балки улардан самарали фойдаланиш йўлларини ахтаришимиз маъқулроқдир.

— Президентимиз Ислом Каримовнинг "Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"ги фармони эълон қилинганига ҳам олти ой бўлиб қолди. Вилоятимизда ана шу фармоннинг ижроси қандай бораётгани ҳақида фикрларингизни билмоқчи эдик.

— Бажонудил. Биз аввало, бу борадаги мавжуд аҳволни атрофлича ўрганиб чиқдик. Маълумки, вилоятимизда йигирмадан ортиқ шаҳар ва туманлар бўлиб, уларда 13 минг 848 та турли корхона ва ташкилот, хўжаликлар фаолият кўрсатади. Юртбошимизнинг сиз таъкидлаган Фармони, шунингдек, шу йил апрель ойидаги республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида жойларда қишлоқ хўжалик ташкилотлари ва санацияга тушган хўжаликларга ёрдам кўрсатиш, шу орқали нотўғри тузилган шартномалар амал қилиб келган. Уларнинг 1016 таси қайта тузилди ва 679 таси текшириш жараёнида тузатилди. Вилоятимизда хўжаликлар ўртасидаги қарзларни келишув (талабнома) асосида ундириш бўйича ҳам бир қанча ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, адлия ходимларимиз аралашуви билан Ўртачирчиқ тумани бўйича 19 миллион 435 минг сўмлик, Оҳангарон туманидан 20 миллион 948 минг сўмлик, Тошкент туманидан 6 миллион 470 минг сўмлик, Бўстонликдан 12 миллион 379 минг 645 сўмлик, Оққўрғон туманидан 39 миллион 192 минг 323 сўмлик, Пскент туманидан 4 миллиондан кўпроқ, Қуйичирчиқ туманидан 15 миллионга яқин, Янгийўл туманидан 2 миллион 580 минг сўмлик қарзлар ундирилди. Шунингдек, шартномавий муносабатларни амалга оширишда хато-камчиликларга йўл қўйган, қонун талабларининг бузилишига сабабчи бўлган жавобгар шахсларга нисбатан интизомий, маъмурий ва жиноий жазолар қўлланилди.

Шу ўринда айрим мисолларга эътиборингизни қаратмоқчиман. Янгийўл туманидаги "Навоий" жамоа хўжалигида хўжалик раҳбари Ҳайитбоев ва ижарачи Периеқулов ўртасида қонунга хилоф равишда шартнома тузилган. Оқибатда хўжалик шунинг ўзидан 73035 сўмлик зарар кўрган. Бунинг сабаблари ўрганилиб, жамоа бошқаруви раисига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 207 моддаси I банди бўйича жиноий иш қўзғатилди ва айни пайтда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ўртачирчиқ туманидаги "Ҳақиқат йўли" жамоа хўжалигининг бош иқтисодчиси Х. Шарипов мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, шартномалар шартларининг бажарилишини назорат қилмаган. Мазкур акциядорлик жамиятида ички шартномалар нотўғри тузилган. Натижада режадагидан 131 тонна маҳсулот кам топширилиб, хўжаликка 375185 сўмлик моддий зарар етказилган. Бундай аҳволга кўра-била туриб йўл қўйиб бергани, етказилган зарарни қоплаш чораларини кўрмаганлиги учун Х. Шарипов устидан туман прокуратураси жиноий иш қўзғади. Суд уни 6 ой муддатга аҳлоқ тузатиш ишига жалб қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Оҳангарон туманидаги "Дўстлик" ширкат жамоа хўжалиги билан шу хўжаликда фаолият кўрсатаётган "Муқаддас" деҳқон-фермер хўжалиги раиси П. Хожанқаров ўртасида шу йилнинг 2 февралида фақат ер ва сув солиғини тўлаш шарти билан 20 йил муддатга 20 гектар сувли ерни ижарага бериш ҳақида шартнома тузилган. Мазкур шартномада ҳатто ишлаб чиқарилган маҳсулотни топшириш, хўжаликнинг ерни ижарага беришдан оладиган манфаати ва бошқа зарур мажбуриятлар кўрсатилмаган. Ушбу шартнома амалдаги қонун талабларига зид равишда тузилганлиги сабабли текшириш давомида томонларнинг ўзаро келишувига асосан бекор қилинди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Аммо бизнинг вазифамиз фақат жазолаш эмас, балки мавжуд камчилик ва нуқсонларни вақтида аниқлаб, зарур ҳуқуқий ёрдам кўрсатишдан ҳам иборатдир. Бу борада ўз амалий фаолиятимизни жонлантириш режаларини ишлаб чиққанмиз ва шу асосда адлия бошқармамиз ходимлари ўртасида ўқув машғулотлари ўтказилмоқда.

— Суҳбатимиз бошида "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартнома-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилгани ҳақида фикрлашган эдик. Бу масалада сизларнинг таклиф-мулоҳазаларингиз қандай?

— Шубҳасиз, мазкур лойиҳа бўйича биз ўз таклифларимизни киритдик. Лойиҳанинг 23-моддасида "хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий муносабатларини ҳуқуқий таъминлаш уларнинг юридик хизмати ёки шартнома асосида жалб қилинган адвокатлар томонидан амалга оширилади" дейилган, бу ўта муҳим ҳолатдир. Бу адлия органи ходимларининг ўз зиммаларидаги масъулиятли вазифани тўлақонли бажаришларига имкон яратади. Лойиҳанинг бу моддасига кўра адвокатлар, яъни шартнома асосида ишловчи ҳуқуқшунослар барча тур хўжалик шартномаларининг қонунийлигини текшириб боради, уларнинг расман иштирокисиз шартномалар тузишга йўл қўйилмайди. Қонун лойиҳасида адлия органлари ходимларининг ваколат ва ҳуқуқлари ҳам аниқ белгилаб берилган.

— Эргаш ака, яна шартномалар масаласига қайтсак. Ҳаётимизда кўп ўзгаришлар юз бераётган, ишлаб чиқариш тизими тобора янгиланиб бораётган бўлса-да, ҳали орамизда айнан шартнома муносабатларига юзаки қараётганлар учраб турибди. Бунга ўзингиз ҳам мисоллар келтирдингиз. Сизнингча мана шу камчиликнинг илдизи қаерда?

— Шартномалар хусусида одамларнинг, тўғрироғи унга алоқадор шахсларнинг бундай нотўғри қарашларини асосан уларда ҳуқуқий билимнинг етарли эмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Агар чуқурроқ мулоҳаза қиладиган бўлсак, шартномалар — кишилар турмушини, иқтисодини, моддий манфаатдорлигини оширишга хизмат қиладиган, бу манфаатни қонуний жиҳатдан мустаҳкамлайдиган кўприкдир. Қуруқ расмиятчилик учун ҳужжатлар тайёрланадиган, қоғозда бошқа-ю, амалда бошқа иш юритиладиган замонлар ўтиб кетди. Бугунги давр — ишлаганники, излаганники. Қайси соҳада бўлмасин, ҳуқуқий меъёрларга амал қилган, ўзаро шартномаларнинг бажарилишини таъминлаган хўжалик ёки тадбиркор албатта ютади. Буни амалда кўриб турибмиз. Президентимиз таъкидлаганидек, қандай мулкчиликка асосланганидан қатъий назар, томонларнинг шартномаларни бажаришдаги жавобгарлигини кучайтиришимиз, бу муҳим ҳужжатнинг обрў-эътиборини кўтаришимиз ва шартномаларнинг мамлакатимиз иқтисодиётини кўтаришдаги хизмати ва аҳамиятини юксалтиришимиз зарур.

Суҳбатдош Зарифа АШУРОВА.

МУЛОҚОТ ҚИЛИШНИ БИЛАСИЗМИ?

МУШОҲАДА

ҲОЗИРГИ бозор иқтисоди шароитида деҳқон, боғбоннинг меҳнатини юзага чиқариш, улар етиштираётган ноз-неъматлардан нафақат халқимизга, балки, хорижликларга ҳам ўта манзур бўладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, демакки, иқтисодий ислоҳотларнинг ҳаётга татбиқ этилишини жадаллаштиришда "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компаниясининг хизмати ғоят катта бўлиши керак.

Афсуски, унинг бу хизматидан ҳозирча қониқиш ҳосил қилмаяпмиз. Шунинг учун ҳам компаниянинг иши, фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган ярим йил якунига бағишланган йиғилишида кескин танқид қилинди. Аҳволни ўнглаб олиш, ишни ҳар жиҳатдан яхшилаш учун нималарга эътибор бериш кераклиги айтилди, муддат белгиланди.

Компания бу танқиддан қандай хулосалар чиқарди? Ўзбекистон оммавий-ахборот воситаларини демократлаштириш ва уни қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ташаббуси билан компания раиси Баҳром Нозимович Носиров ва бу компаниянинг бошқа раҳбарлари билан оммавий-ахборот воситалари ходимлари ўртасида уюштирилган очиқ мулоқот жараёнида биз бу сабоқлар, бу хулосалар қандай бўлганлигидан озми-кўпми хабардор бўлдик.

— Журналистларга қандай истакларингиз бор, — деди мулоқот якунида жамғарма ҳамраиси Хуршид Дўстмуҳамедов.

Баҳром Нозимович шу саволни кутиб турган эканми, дилидаги гапларни дадил айтди.

— Биз қилаётган ишларимизни холисона ёритиш, камчиликларимизни, муаммоларимизни рўй-рост очиб ташлашда қанчалик астойдил бўлсаларингиз, бизга шунчалик кўп фойдаларингиз тегади. Шунинг учун ҳам масаланинг туб моҳияти англаб етилган, мавзунинг таг-томири илдизи очилган, танқидий, таҳлилий мақолаларингизни кўпроқ ўқишни истаймиз. Сизларнинг орангизда бу вазифанинг уддасидан чиқадиган журналистлар кўплигидан мамнунмиз. Лекин, беш қўл баравар эмас. Баъзида масалани чуқур ўрганмай, хулоса чиқариш ҳоллари ҳам бўлаётганидан кўз юмолмаймиз. Мана, ҳозир бир журналист укамиз савол берди. Хўжаликдан консерва заводи маҳсулот олиб қарз бўлиб қолипти. Пулини тўламаётган экан. Сизлар бунга нима дейсизлар, қандай ёрдам берасизлар, демоқчи. Очиғини айтай, мен ўша хўжалик раисини яхши биламан. Амалий иш билан камроқ шуғулланади. Нега кўра-била туриб, бундай аҳволга йўл қўйди? Нега маҳсулот беришдан олдин истеъмолчининг тўлов қобилияти ҳақида ўйлаб кўрмади? Нега олдиндан тўланиши зарур бўлган ҳақнинг бир қисмини ундириб олмади? Нега истеъмолчини хўжалик судига бермаяпти?

Агар журналист фақатгина хўжалик раҳбари билан суҳбатлашиб, унинг гапига бутунлай ишониб қолмаганида эди ана шу саволларга ҳам ижобий жавоб оларди. Бунинг учун оддий одамлар, бевосита маҳсулот етиштирувчилар билан ҳам суҳбатлашиш, уларнинг фикрларини, таклифларини ўрганиш зарур. Ана шундан кейингина маълум бир хулосага келса бўлади.

...Бу гап бошқаларни, билмадим-у, мени ҳам ўйлантириб қўйди. Ҳақиқатан ҳам биз журналистлар ҳамма вақт ҳам ҳар қандай раҳбар, мутасадди билан учрашганда, улар билан очиқчасига мулоқот қила олаяпмизми? Мулоқотга боришдан аввал ўзимизни обдон тайёрлаяпмизми? Йўқ. Шундай қилганимиздагина мулоқот жараёнида суҳбатдошимизга ўринли, қитиқлатига тегадиган, айтиш мумкинки, ошкор қилиб бўлмайдиган муаммоларини ҳам ошкор қилишга мажбур бўладиган саволларни бера олган бўлар эдик.

Ҳар биримиз бу ҳақда мушоҳада қилиб кўришимиз шарт.

Носир РИХСИЕВ.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

Воқеалар тўлқинида

➡ ЁЗГИ ТАЪТИЛДА бўлган РФ президенти Борис Ельцин Карелиянинг Старая Чупа, сўнгра, Москвадаги "Горки-9" дам олиш қароргоҳларида бўлганидан сўнг қисқа муддат ишлагач, куни кеча Новгород вилоятидаги Волдай дам олиш қароргоҳига келди.

➡ ЖАНУБИЙ КОРЕЯ президенти Ким Де Жун ташқи ишлар вазири Пак Чон Суни истеъфога чиқарди. Унинг ўрнига дипломат Хон Сон Ен тайинланди.

➡ КУБА РАҲБАРИ Фидел Кастро Кариб денгизи минтақасидаги мамлакатлар бўйлаб қилган сафарини Гренадада ниҳоясига етказди. У, аввал, Ямайка, Барбадосда бўлди.

➡ ИСПАНИЯ ядро қуроллари синовларини ялпи таъқиқлаш тўғрисидаги халқаро шартномани ратификация қилди. Мазкур ҳужжатга имзо чеккан мамлакатлар ичида Испания ўн еттинчи қаторни эгаллади. Бу битим 44 давлат ратификация қилганидан сўнг 180 кундан кейин кучга киради.

➡ СЕШАНБА куни Англия халқи ўз "Онахонлари" — қиролича Елизавета II таваллуд топган куннинг 98 йиллигини нишонлади.

➡ КОНГО Демократик Республикаси пойтахти Киншасада қуролли исён кўтарилди. Президент Лоран-Дезире Кабилага қарши турган тутси элати намоёндалари "Баньямуленга" ҳаракати шиори остида майдонга чиқдилар. Ҳукумат қўшинлари исённи бартараф этиш чораларини кўрмоқдалар.

➡ БУТУН жаҳон бўйлаб Хиросима куни — ядровий қуролларни тақиқлаш учун кураш куни сифатида нишонланди. 1945 йилнинг 6 август куни АҚШ тайёраси Япониянинг Хиросима шаҳрига атом бомбаси ташлаган эди. Унинг касридан ҳозиргача 318 минг одам ёруғ дунёдан кўз юмди.

ИРОҚ ИШЛАРИ ЙИРОҚМИ?

ИРОҚ ялпи қирғин қуроллари ва ракета техникасини йўқ қилиш бўйича БМТ махсус комиссияси (УНСКОМ) раҳбари, австралиялик дипломат Ричард Батлер бир неча кун муқаддам Бағдодга ташриф буюрган эди. Сафар чоғида у бош вазир Ўринбосари Тариқ Азиз билан икки бор учрашди. Шундан сўнг Р. Батлер дафъатан орқасига қайтиб кетажаклигини эълон қилди. Кўринишдан бунга Ироқ фуқаролик авиацияси бошқармаси биносидан топилган ҳужжатларнинг унга топширилмаганлиги сабаб бўлди. Чунки, комиссия раҳбарининг айтишига қараганда, унда кимёвий ва биологик қуроллар ишлаб чиқаришга таллуқли маълумотлар бор. Бағдод эса ҳужжат мамлакат хавфсизлигига бевосита даҳлдор, уни ошкор қилиш мумкин эмас, деган баҳонани рўкач қилди. Икки ўртада келишув бўлмади.

Куни кеча эса Р. Батлер БМТ Хавфсизлик Кенгашига маърузанома тайёрлади. Ишга мазкур кенгаш аъзолари ҳамда БМТ Бош котиби ҳам аралаша бошлади.

МУШКУЛ САФАР

ЎТГАН шанба куни Ичкерия Чеченистон Республикаси президенти Аслан Масхадов РФ бош вазири Сергей Кириенко билан музокаралар олиб боргандан сўнг Туркияга учиб кетган эди. Истамбул тайёрагоҳида уни фақат шаҳар бош ҳокимининг ўринбосаригина кутиб олди. Лекин, у энг нуфузли меҳмонхоналардан бирига жойлаштирилди. Қолган учрашувлар сирлигича қолди. Шундан сўнг А. Масхадов Вашингтонга парвоз қилди. АҚШ пойтахтида ҳам фақат, Янги Мустақил Давлатлар бўйича АҚШ давлат котиби маслаҳатчиси Стивен Сестанович билангина мулоқот ўтказилди.

Кечаги кун эса ўзгача бўлди. Вашингтонда Ислом Бирлиги Халқаро уюшмасининг 7-конференцияси очилди. У ерда А. Масхадов олий мартабали арбоб сифатида кутиб олинди. Анжуман раиси, АҚШ олий ислом кенгашининг муфтийси шайх Муҳаммад Хишом Каббаулдан кейин А. Масхадов иккинчи бўлибоқ сўзга чиқди. Ичкерия президентининг бундан кейинги сафар дастури ҳамон маҳфий сақланмоқда.

ҚУШНИНГ ТИНЧ — СЕН ТИНЧ

АФРИКАНИНГ энг йирик мамлакатларидан бўлган Анголада ҳам ҳамон барқарор тинчлик ўрнатилмаётир. Бунга муҳолиф кучларнинг мамлакат раҳбарияти амалга ошираётган тадбирларга қаршилик кўрсатиши сабаб бўлмоқда. Шу боис Жанубий Африка Республикаси Анголадаги нотинч аҳволни тинч йўл билан ҳал қилиш борасида фаоллик кўрсатиш ниятини олға сурмоқда. ЖАР мудофаа вазири Жо Модиснинг айтишича, мамлакат ҳарбийлари мазкур давлатда тинчликни муҳофаза қилиш мақсадида ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиши мумкин. ЖАР раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари ижобий натижалар келтириши мумкин. Чунки, қўшнинг тинч — сен тинч, деган нақлга амал қилинса, ёмон бўлмайди.

ЖАНГЛАР ШИДДАТЛИ ТУС ОЛМОҚДА

БОГОТА. Колумбия инқилобий кучлари ва миллий озодлик армияси жангарилари мамлакатнинг 17 вилоятида ҳукумат аскарларига қарши жангларни бошлаб юборди. Ҳужумлар натижасида 70 зиёд одам ўлди. Бир неча аскар бедарак йўқолди.

Мазкур мамлакатда бир неча йилдан буён ички келишмовчиликлар давом этиб келади. Давлат раҳбарлари бир неча бор можарони тинч йўл билан ҳам, куч ишлатиш билан ҳам бартараф этишга ҳаракат қилган, аммо, улар самара бермаяпти.

СИНОВЛАР, ЯНА СИНОВЛАР...

ҲИНДИСТОННИНГ Орисса штатидаги синовгоҳда кўп мақсадли "Ер-осмон" тоифасидаги "Акаш" тактик ракеталари синаб кўрилди. Мазкур қуроллар 25 километр узоқликда бўлган нишонларни йўқ қила олади. Фазода нишонлар сони бир нечта бўлса ҳам, улар омон қолмайди. Ракета жиҳозлари ҳам мукаммал. Улар 60 километр узоқликдаги 64 нуқтани аниқ белгилаб беради.

Шу тариқа Ҳиндистон ракеталарнинг беш тоифасини синовдан ўтказмоқда. Уларнинг айримлари ядровий каллакларни олиб учишга мўлжалланган. Ҳиндистон ҳарбийларининг бундай қадамлари қўшни мамлакатларни ҳаҳли равишда ташвишга солмоқда.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

➡ ЖАНУБИЙ Кореянинг Сачон шаҳридаги "Самсунг" компанияси усталари эски "ЗИС—110" лимузинини қайта таъмирладилар. Гап шундаки, бу машинани 1948 йилда Сталин КХДР раҳбари Ким Ир Сенга туҳфа қилган эди. Лекин, 1950 йилда — уруш пайтида америкаликлар Пхеньян яқинида ушбу машинани ўлжа қилган эдилар. 1982 йилгача у АҚШда бўлди. Кейин Сеул ҳарбий музейига қайтариб берилган эди.

➡ ЛОНДОННИНГ Кенсинтонг Хай кўчасидаги етти қаватли бинонинг томида ажойиб бир боғ бор. У куни кеча олтмиш ёшга тўлди. Мазкур боғда ўсимликларнинг 5 минг хили тарбия этилади. Том устидаги боғда икки фирма фаолият кўрсатмоқда.

➡ МАЛАЙЗИЯ пойтахти Куала-Лумпурда янги тайёрагоҳ ишга туширилган эди. Лекин, бир неча кундан сўнг бу масканни сон-саноқсиз каламушлар босиб кетди. Кутиш хоналари, ресторанлар, божхоналарга бемалол кириб бўлмай қолди. Аниқланишича, янги тайёрагоҳ хурмозорлар оралиғида очилган майдонда бунёд этилган экан. Каламушлар билан бўладиган "жанг"га бир неча миллион доллар пул ажратилди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 10

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Узбекистон!».
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.10 «Жаҳон спорти».
9.20 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Сохибқирон юрти».
9.40 Болалар учун. «Умид учқунлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Кино янгиликлари».
10.15 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
10.35 «Уч бақалоқ». Бадиий фильм.
12.05 Мустақиллик одимлари.
12.10 Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий жамоаларининг концерти.
12.35—14.00 Х. Расулов. «Муҳаббат султони». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Олтин тақа». Мультфильм.
18.20 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Истиқлол ғунчалари».
18.30 «Ўзбекистон фуқароси».
18.50 «Олам ва одам».
19.05 «Қонун ва ижро».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00, 23.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Хайронаман». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист С. Удаева.
22.05 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 33-кўй.
22.45 **«Мустақиллик одимлари».**
22.50 «Кинонинг минг бир олами». Кинокўрсатув.
23.15 «Ахборот».
23.40 — 23.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи»(рус тилида).
18.15 «Ерилтош». Мультфильм.
18.35 «Жаҳон урушларининг махфий ағдаларидан». Телесериал.
19.05 «Эгиз қўшиқлар».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Мусиқий лаҳзалар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.10 «Таггер». Телесериал.
22.00 «Бурч ва масъулият».
22.15 «Даракчи»(рус тилида).
22.25 Оҳанглар ва эълонлар.
22.35 Кинонигоҳ. «Иирткичлар».
00.25 Тунингиз хайрли бўлсин!
*

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
17.20—20.35
*
20.35 «Умр дафтари». Телеочерк.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Пойтахт». Публицистик кўрсатув.
22.05 «Ғаройиб одам». Бадиий фильм.
23.40—24.00 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05, 21.15 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Ўзбекистон — умумий уйимиз» рукнида «Чинор» видеоканали:
«Айчурек».
«Умид».
20.55 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Шукрона».
21.00 «Умр баҳори».
21.20 Кинематограф. «Бировнинг хати».
22.50 «Ғўзаллик ва мангулик ҳақида».
23.10 Спорт-тайм.
23.40—23.50 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 11

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.
9.10 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Хонобод».
9.20 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 33-кўй.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.35 «Пахтакор». Ҳотира куни.
10.50 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 21-серия.
11.05 «Оламни асранг».
11.25 **Мустақиллик одимлари.**
11.30 Болалар учун. «Мактублар-қабутарлар».
12.05 «Мутойиба». Н. Собиржонов.
12.35—14.00 Кундузги сеанс. «Тавон тўлов». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ёруғ олам кўзгуси».
18.25 «Ҳисобини билганлар».
18.45 «Экран куйлари».
19.05 «Чорраҳа».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00, 23.15 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 **«Мустақиллик бекати».**
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Янграсин шўх яллалар». Мусиқий дастур.
21.30 «Акс-садо».
22.05 Диққат премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 34-кўй.
22.45 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** Вилоят телевидениелари намойиш этади: «Ўзлигинг намоён қил».
23.20 «Назм ва наво». Увайсий лирикаси.
23.50 «Ахборот».
00.15 — 00.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ерилтош». Мультфильм.
18.25 Евойи ҳайвонот олами.
18.55 «Кундалик».
19.05 «Онагинам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Очун».
20.15 Исмлар тарихи.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Таггер». Телесериал.
21.50 «Даракчи».
22.00 Спорт қитъаси.
22:55 Кинонигоҳ. «Ажал қуроли-4».
00.25 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
17.20—20.35
*
20.35 «Қалдирғоч». Фильм-концерт.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 Шарқ киноси. «Оқ велосипед». Бадиий фильм (Туркия).
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05 «Қонун ва ижро».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00, 23.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 Телефакт.
19.35 Мусиқий танаффус.
19.50, 21.15 — Эълонлар.
19.55 «Муҳаббат тарихи».Телесериал.
20.40 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.55 Мусиқий танаффус.
21.00 «ТВ-4»да немис тўлқини.
21.20 «Жаҳон киноси».
23.00 Хит-коллекция.
23.20—23.30 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 12

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Муҳаббат мадҳи». Концерт.
8.50 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Ўртим жамоли».
9.10 «Ғаройиб саёҳат». Мультфильм.
9.20 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 34-кўй.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Жараён».
10.25 «Алифбо сабоқлари».
10.55 Болалар учун. «Ёзимиз — соз ўтмоқда».
11.15 «Акс-садо».
11.45 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 22-серия.
12.05 **Мустақиллик одимлари.**
12.10 Кундузги сеанс. «Эртаклар тарк этган дара». Бадиий фильм.
13.30 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.10—15.00 «Пахтакор-79». Футбол. Ҳотира турнирининг финал учрашуви.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.35 «Мулк ва муносабат».
18.50 «Дунё адабиёти».
19.05 «Зилол-98». Фольклор-этнографик ансамбларининг телевизион фестивали.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.05 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Ватан мадҳи». Мусиқий дастур.
21.45 «Сиёсат оламида».
22.05 «Бурч». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-қисм.
22.45 «Ёшлар» телеканали:
«Қизлар давраси»ни эслаб...».
«Қизлар давраси».
24.00 «Ахборот».
00.25 — 00.30 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ерилтош». Мультфильм.
18.35 «Жосуслар». Ҳужжатли сериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Билиб қўйган яхши».
20.10 «Жозиба».
20.30 «Ахборот».
21.00 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Ҳудуд».
21.30 «Таггер». Телесериал.
22.20 «Даракчи».
22.30 Оҳанглар ва эълонлар.
22.40 Кинонигоҳ.
00.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.35 Янгиликлар.
16.40 Болалар учун. «Эртакнамо чоршанба». Кинокўрсатув.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
17.20—20.35
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Шохсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30
*
21.30 «Пойгачилар». Бадиий фильм.
23.10—23.30 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05, 22.10 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Шукрона».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Дунё ва болалар».
20.30 «Азизим». «Улуғлар улуғлайди аёлларини».
20.55 «Автосалтанат».
21.05 «Куйла, ёшлигим». «Шоҳсўз» гуруҳи — меҳмонимиз.
21.40 «Дурдаршан».
22.15 Олтин хазина. Саид Аҳмад. «Келинлар кўзголони». А. Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 2-қисм.
23.30—23.40 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 13

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Еш ижрочилар концерти.
9.00 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
9.15 «Бурч». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 1-қисм.
9.55 **Мустақиллик одимлари.**
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Бокира туйғулар».
10.20 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Чамандаги гуллармиз».
11.00 «Созга солдим Алпомишни».
11.20 «Ташриф қоғози».
12.05 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 23-серия.
12.05 «Соғлом авлод — соғлом миллат».
12.25 — 14.00 Кундузги сеанс. «Улан». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.30 «Ёзув столидан репортаж».
18.50 «Харита». Халқаро шарҳ.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 23.15 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Парламент соати».
21.20 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Истиқлолим сени куйлайман». Мусиқий дастур.
21.50 «Ватанни севмоқ иймондандир». Публицистик кўрсатув.
22.15 «Бурч». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-қисм.
22.55 «Ислоҳат одимлари».
23.20 «Ахборот».
23.45 «Сомон йўли».
00.45 — 00.50 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи»(рус тилида).
18.15 «Эркатой».
18.30 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
18.45 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Бир жуфт қўшиқ».
20.05 «Табобат оламида» (рус тилида).
20.30 «Ахборот».
21.00 «Одобнома».
21.10 Мумтоз наволар.
21.20 «Мутойиба».
21.40 «Оилавий экран». «19-комитет». 1-серия.
23.00 «Даракчи»(рус тилида).
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.15 «Оилавий экран». «19-комитет». 2-серия.
00.25 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
17.20—20.35
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Вақт хазинасидан».
*
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30
*
21.30 Изабель Юппер «Сув остида» фильмида.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05 «Сухбатдош».
19.25 «02» тўлқинида.
19.40 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
20.10 «Лаззат».
20.30, 22.00 — Эълонлар.
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «Иқтидор-98».
21.40 «Ҳаммаси мода ҳақида».
22.00 Мусиқий Олимп.
22.25 Киносалон.
00.05—00.15 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 14

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Шарқ тароналари». Мусиқий дастур.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Фасли ёз».
9.05 «Мозийдан бир мўъжиза».
9.20 «Бурч». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 2-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Ҳаёт чашмалари».
10.30 **Мустақиллик одимлари.**
10.35 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
11.20 «Қўшиқ билан кўраман оламни». Мусиқий дастур.
11.45 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 24-серия.
12.05 «Таянч нуқтаси».
12.25—14.00 Кундузги сеанс. «Прерия». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Ҳикматнома».
18.25 «Ранглар жилоси».
18.40 «Фермер». Телетанлов.
19.00 **«Мустақиллик одимлари».**
19.05 «Қалб гавҳари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Омонлик тилаймиз».
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Юртим мўъжизалари».
21.20 «Ахли ёр ўлсайди». О. Отаҳонов.
21.45 «Оила — маънавият бешиги».
22.10 «Бурч». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-қисм.
22.55 «Ахборот».
«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури:
23.20 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Истиқлол фидойилари».
23.45 «Нақадар тотли сўз — Озодлик» рукнида «Ҳуррият». Бадиий фильм. 2 серия (Туркия).
00.35—00.40 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ўйна, болажон, ўйна».
18.30 «Бор эканда, йўқ экан».
18.50 Экранда — Дэвид Копперфилд.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Яхши дам олинг».
20.10 «Туйғуларим».
20.15 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Дубляж».
21.20 «Таггер». Телесериал.
22.10 «Даракчи».
22.20 Оҳанглар ва эълонлар.
22.35 Кинонигоҳ. «Узоқ қариндошлар».
00.15 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.55 Янгиликлар.
17.00 Болалар учун. «Бинафша».
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00.
17.20—20.35
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Таваллуднома».
*
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30
*
21.30 Оскар совриндорлари: «Касабланка». (1943). Бадиий фильм.
23.20—23.40 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05 «Маънавият ва ислом».
19.25 «Бу бўстон аро...» Мусаввир ижодида диёр жилоси.
19.50 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Саломат бўлинг».
20.10, 22.05 — Эълонлар.
20.15 «Морена Клара». Телесериал.
21.00 «Бегойим».
21.25 «Дурдаршан».
21.55 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Шукрона».
22.10 Кинематограф. «Мевлюднинг боши учун 5 минг сўм».
23.30 Араб эстрадаси.
24.00—00.10 «Мунаввар тонг истаб...»

ШАНБА, 15

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Шўх, шўх ўйнар эдим». Мусиқий дастур.
9.00 «Зиёрат».
9.10 «Бурч». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 3-қисм.
9.55 «Шохрух клуби».
10.15 **Мустақиллик одимлари.**
10.20 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 25-серия.
«Ёшлар» телеканали:
10.35 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
«Очиқ дарс».
«Пўлат тулпорлар».
«Эстрада ва ёшлар».
12.05 «Жаҳон театри».
12.25 «Ҳазрати инсон». Публицистик кўрсатув.
12.40 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.00 «Санъат олами».
13.20 «Телевидение ва томошабин».
13.45 Кундузги сеанс. «Муҳаббат тилсими». Бадиий фильм.
15.05—15.35 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Мультолам».
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Оталар чойхонаси».
21.50 **Мустақиллик одимлари.**
22.00 «Бурч». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-қисм.
22.45 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури
23.10 «Кўй ва тасвир».
23.30 «Нақадар тотли сўз — Озодлик» рукнида: «Ғанди». Бадиий фильм. 1-серия.
01.00—01.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Боланинг тили».
8.15 «Яхши дам олинг».
8.30 «Санта Барбара». Телесериал.
9.15 «Мафтункор чеҳралар».
9.35 «Лавжой». Телесериал.
10.20 А. Олимбоев. «Оғзаки ҳикоялар». 3-қисм.
10.45 Болалар экрани.
12.15 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Ҳудуд».
12.45 «Жозиба».
13.05—13.55 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ў ким? Бу нима?»
18.30 Спорт қитъаси.
19.00 Телефильм.
19.10 «Таянч».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55— Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Гулдаста».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Даллас». Телесериал.
21.50 «Сўз ва соз оҳанглари».
22.15 «Ҳонадонингизга осойишталик тилаймиз».
22.45 «Даракчи».
22.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.00 Кинонигоҳ. «Шубҳага ўрин йўқ».
00.50 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.45 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
17.50—23.05
*
23.05 Эълонлар.
23.10—23.30 «Нилуфар гуллаганда». Телефильм.

ЎзТВ-IV

10.05 «Шанба эртаги».
11.15 «Рақслар қанотида».
11.40 «Туманларсиз Британия».
11.55—12.25 «Кросс Роудс» кафесига хуш келибсиз!» (Инглиз тили ҳамма учун).
* * *
17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05 Авторейд.
19.15 «Далил ва шарҳ».
19.30 «Спектаклдан сўнг».
19.55, 21.30— Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «5 дақиқа ўзим учун».
20.50 «Бу ажиб дунё».
21.10 «Хит коллекция».
21.35 Киносалон.
23.35—23.45 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 16

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
«ЁШЛАР» телеканали:
9.10 «Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
«Талабалик йилларим».
«Ватанимга хизмат қиламан».
«Куйла, ёшлигим».
* * *
11.20 «Бурч». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-қисм.
12.05 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
12.45 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Ёзувчи ва замон».
13.10 Кундузги сеанс. «Орзулар камалаги». Бадиий фильм.
14.20 «Сурат ва сийрат».
14.40 «Катта танаффус». Телевизион ўйин.
15.20—16.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Металлург» — «Трактор».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Омад юлдузи». Телеўйин.
18.35 «Рақслар гулдастаси».
18.55 **«Мустақиллик одимлари».**
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 21.10— Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
21.40 Телевизион миниатюралар театри.
22.15 ТВ-I намойиш этади. Телеанонс.
22.25 «Бурч». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-қисм.
23.15 «Футбол майдонларида».
«Аср мўъжизаси» кинодастури
23.30 «Кино янгиликлари».
23.45 «Нақадар тотли сўз — Озодлик» рукнида. «Ғанди». Бадиий фильм. 2-серия.
01.15—01.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Аралаш-қуралаш».
8.20 «Галлатепалик авлиё». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
8.45 «Онагинам».
9.05 «Санта Барбара». Телесериал.
9.45 «Дойче Велле» тақдим этади...».
10.05 А. Олимбоев. «Оғзаки ҳикоялар». 4-қисм.
10.35 «Робин Гуднинг янги саргузаштлари». Телесериал.
11.00 «Гулдаста».
11.10 «Лавжой». Телесериал.
11.55 «Мутойиба».
12.15 Болалар экрани.
13.45 Эстрада тароналари.
14.05—14.50 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Сув ости дунёсига саёҳат».
18.30 «Мультипанорама».
19.00 «Нафосат».
19.10 «Кенгга — кенг дунё».
19.25, 20.00, 20.25— Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Келгуси ҳафтада».
20.30 «Таҳлилнома».
21.10 «Даллас». Телесериал.
22.00 «Даракчи».
22.10 «Менинг ҳам ўз овозим бор». Ўлмас Оллоберганов.
22.30 Миллионлар ўйини.
22.40 Оҳанглар ва

ОНАЛИК ОСМОНИ

ҲЕЧ кимнинг бошига тушмасин, бундай кун. Абдували ака шундай бўлишини сира ўйламаган эди. Ўзи етимликда ўсиб, ўгайлар турткисини еб, вояга етганиданми севган қизига уйланишни, қўша-қўша ўғил-қизларга ота бўлишни, улар кўнглини ўкситмай, катта қилишни орзу қиларди. У ниятига етди. Муҳаббати оилага кетма-кет уч қиз ва тўрт ўғилни инъом этди.

Болалар ота-она бағрида қувнаб, улғая бошлашди. Лекин, кенжа ўғил Абдувоҳид туғилгач, бедаво дард онани тўшакка михлаб қўйди. Авбували ака турли касалхоналарга елиб югурди, номдор шифокорга кўрсатди. Фойдаси бўлмади. Бешафқат ўлим уни не-не умидлар билан бир ёстиққа бош қўйган умр йўлдошидан бевақт жудо қилди.

Ўша кундан бошлаб унинг юриши-ю туришида, ейиши-ю ичишида ҳаловат қолмади. Етти фарзандга ҳам оталик, ҳам оналик қилиш унинг зиммасига тушди. Ўн тўрт-ўн беш ёшли Мастура билан Машкура анча дастёр бўлиб қолишгани учун ош-овқат, супириш-сидиришни эплашарди. Ишдан чарчаб келганда ёш болаларининг "Оййи" деб йиғлаши, қизларининг мўлтираб ўтиришлари бағрини ўртар, нима қиларини билмасди. Қариндошларининг уйлантирмоқчи бўлиб қилган ҳаракатлари бесамар кетаверди. "Ўз бошимдан ўтказган ўгайлик аламларини болаларим бошига солмайман" деб туриб олди.

Фарзандларга озиқ-овқат топиб келиш, кийинтириш ҳеч гап эмас экан. Уларнинг ўрин-кўрпаси, кирчири, мактабга қатнаши учун оналик қўли, меҳри жуда ҳам зарурлигини Абдували ака бора-бора ҳис қила бошлади. Бунинг устига ўша кезларда икки ёшли Абдувоҳиднинг баланд уйнинг тўртинчи қаватидан тушиб кетгани дард устига чипқон бўлди. Қўни-қўшнилар, қариндошлар яна Абдували акага уйланишни, уйда аёл кишининг ўзига хос ўрни борлигини тушунтиришди. Шундан кейингина у рози бўлди. Барибир, хотини Муҳаббатнинг ўлими олдидан "Болаларнинг кўнглини ўкситманг" деган сўзлари унга тинчлик

ОҚИБАТ

бермасди. "Уйлансам, қанақа хотин келаркин, ўғил-қизларимнинг аҳволи нима кечаркин", деган хаёллар миясида чарх урарди...

Янгийўлнинг Нов қишлоғидан бўлган Салимахон Абдували аканинг дилидаги гапларни тинглади-ю юраги зирқираб кетди. Кўзларида қалқиган ёш яноқлари узра думалади. Кейин "Кўкрак сути бермасам ҳам қалб меҳрим билан оналикни бажо келтираман, болаларингиз мени ўз оналаридек қабул қилишса, бас", дея олди.

...Мана шунга ҳам йигирма беш йил бўлди. Бу айтишга осон. Шу йиллар мобайнида неча-неча уйқусиз тунлар, оромсиз кунлар кечмади, дейсиз. Аммо Салимахон ая нолимади. Болалар ўқиса бирга ўқиди, ишласа бирга ишлади. Охир-оқибатда қизлару ўғиллар касб-ҳунарли бўлиб етишишди. Мастура, Машкура ва Мовлудалар тикувчилик касбини Абдужалил пазандаликни, Абдуҳалил радио, телевизор тузатишни, Абдукарим ошпазликни, Абдувоҳид бўёқчиликни эгаллади.

Қизлар бўй етгач, уйдан совчилар аримай қолишди. Ахир онам бўлганда бошқача бўларди, деган хаёлга бормасин, кўнгли чўкмасин, деб Салимахон ая имконият борича уларнинг ҳар бирига сеп тайёрлади ва уч қизни турмушга узатди, тўрт ўғилни уйлантирди.

Оиланинг энг катта фарзанди — беш боланинг онаси, бир неварининг бувиси Мастура тўлқинланиб, шундай дейди: "Ўгай оналар, уларнинг болаларга ўтказган зулми тўғрисида кўп эшитганман. Онам вафот этганларида ақлимни анча таниб қолгандим. Шунинг учун Салима ойим келганларида "қандай бўларкин", деб ўйлагандим. Лекин, уларнинг самимийликлари, меҳрибонликлари, кўнгилни кўтариб сўзлашлари туфайли дарҳол севиб қолдим. Бизларни кафтларида катта қилдилар. Невараларини ҳам еру кўкка ишонмай вояга етказмоқдалар. У кишига таъзим қиламан".

Салима ая фақат фарзандлари, келин-куёвларигагина эмас, барча қариндош-уруғларга ҳам шундай ҳамиятли. Шу туфайли иззат-икром топганлардан. Ким билан гаплашманг. "Умридан барака топсин, ҳақиқий жаннати аёл" деган сўзларни эшитасиз, у ҳақда.

Пойтахтимиздаги Акмал Икромов туманининг 12-мавзеси, 58-уйда истиқомат қилаётган Абдували ака умр йўлдошидан беҳад миннатдор. Айни пайтда у "Муҳаббатнинг руҳи олдида юзим ёруғ, зотан, Салимахон оналик осмонига кўтарила олди", дейди:

Абдужаббор МАННОПОВ.

"Қорадори-98"

ҲУШЁРЛИК САМАРАСИ

ВИЛОЯТ ички ишлар бош бошқармаси ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси ходимлари "Қорадори-98" тадбирида фаол иштирок этмоқдалар. Улар жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 102,4 квадрат метр майдондаги кўкнори, 10 гектар 252 квадрат метр ердаги ёввойи наша ўсимлигини аниқлаб, йўқ қилишди.

Бундан ташқари гиёванд моддаларни сақлаш, сотиш ва истеъмол қилиш билан шуғулланган 29 киши ушланиб, улардан 3 килограмм 269 грамм оғу олиб қўйилди.

Қуйида инсонлар бошига бало бўлган гиёванд моддаларни экиш, сотиш, сақлаш билан шуғулланганларнинг айримлари билан танишасиз.

ҚЎЛГА ТУШМАСА ТЎРГА ТУШАДИ

ПСКЕНТЛИК К. Рахимов ўзини "қўлга тушмас ботир", деб ҳисоблайдиганлардан экан. Бўлмаса, 400 грамм марихуанани бемалол сақлармиди? Лекин, кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек, шу йил бошида ички ишлар ходимларининг тўрига тушди. Энди у гиёванд "кайф"ни қора курсида суриб, харомдан топган пулини тушида кўрадиган бўлди.

НАШАВАНДЛАР КЎП ЭКАН

БЎКА туманида истиқомат қилувчи С. Холмуродов нафақат гиёванд, балки, нашафуруш ҳам экан. Милиция ходимлари ундан 400 грамм шундай оғуни тортиб олганларида бунга амин бўлдилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, туманда С. Холмуродовга ўхшаганлар кўп экан. Буни ашёвий далил — наша билан ушланган К. Турсунбоев, К. Исмоилов, Е. Ким, В. Риқсиев, Т. Исматовлар туриш-турмушидан ҳам билса бўлади.

ҚАППАЙГАН ЧЎНТАК ПУЧАЙДИ

ҚОРАДОРИ дори эмас, хавфли оғу. Буни кўпчилик қатори ўртачирчиқлик А. Раҳимов ҳам яхши билади. Аммо, у одамлар нима бўлса бўлаверсин, чўнтагим пулга тўлса бўлгани, дейдиганлардан бўлиб чиқди. Шу йилнинг 15 мартида унинг қаппайган чўнтаги пучайди.

303 грамм қорадори билан қўлга тушганида дастлаб терговчига ўзим дори учун оз-оз еб тураман, деб баҳона қилиб кўрди. Лекин, катта пул турадиган шунча миқдордаги оғуни қайси "бойвачча" ўзи учун сақларди. Қорадорифурушнинг асл нияти терговда ойдинлашди.

ТУМШУҒИДАН ИЛИНДИ

ЯНГИЙЎЛ шаҳрида ҳам гиёвандликка ружу қўйганлар тумшуғидан илиндилар. Э. Саттаровдан 0,6 грамм, Н. Қулиевдан 1,6 грамм қорадори, А. Баҳромовдан 200 грамм наша ашёвий далил сифатида мусодара этилди. Ҳар уччала бангига нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Биз жамиятимиздаги "шумғия"лар — гиёвандлик моддаларни сақлаш, сотиш, истеъмол қилиш билан шуғулланган баъзи нопокларнинг қилмишларинигина ёздик. Аслида қонунбузарлар анчагина. Улар минг хил найранг ишлатиб, "фаолият"ларини давом эттиришга қанчалик уринмасинлар, бир кунмас бир кун тумшуқларидан илинишларига шубҳа йўқ. Чунки, вилоятимизда, қолаверса, юртимизда гиёвандликдек хавфли иллатга қарши қаттиқ кураш эълон қилинган.

Каримжон РИХСИЕВ.

Шоҳимардонликларга елкадошимиз

АНГРЕНЛИКЛАР МАДАДИ

ФАРҒОНА водийсидаги қишлоқнинг табиий офатдан кўрган асоратларини тезроқ бартараф этиш юзасидан бошланган умумхалқ харакатида ангренликлар ҳам фаол қатнашмоқдалар. Барча саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари ҳамда муассасалар, меҳнат жамоалари, қатор тадбиркорлар ва айрим фуқаролар бундай хайрли ишдан четда қолмадилар.

Шаҳар бўйича ўнта оғир вазнли автомашинага ортилган юклар Шоҳимардонга жўнатилди. Кўмирчилар уч автомашина кўмирни тортиқ қилдилар. Бундан ташқари учта автомобилга бинокорлик ашёлари, жумладан, шлак блоки ва ёғоч-тахта ортилди. Ун, махсус кийимлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, калишлар, газ тақсимлаш кичик станциялари ҳам жўнатилди.

Собир ҲАМИДОВ.

* * *

ЁРДАМ БЕРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Фарғона вилоятидаги Шоҳимардон қишлоғига "Экосан" халқаро экология ва саломатлик жамғармасининг табиий офатдан зарар кўрган аҳолига мурувват ёрдами юки ортилган автопоезди келди.

Автопоезд кундалик зарур буюмлар — доридармон, болалар ва катталар учун кийимлар, кўрпа-ёстиқ, шунингдек, сувни тозалаш учун "Эсперо-6" биоэлектроактиваторларни олиб келди. Юкнинг умумий қиймати 1,5 миллион сўмни ташкил этади.

(ЎзА).



Ёз гашти. Р.АЛЬБЕКОВ ва В. ПОРТНОВ олган суратлар.

ЯНГИ МАВСУМ БОШЛАНДИ

Аброр Ҳидоятов номидаги театр ўзининг янги мавсумини янги спектакль билан бошлади.

Садриддин Айнийнинг машҳур "Судхўрнинг ўлими" қиссаси асосида Наим Каримов ёзган асар "Муқаддас Бухоро" деб аталади. Спектаклни театрнинг бош режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев саҳналаштирган. Саҳна безакларини Муса Исҳоқов ишлаган. Ролларни театрнинг етакчи актёрлари Элёр Носиров, Матёқуб Матжонов, Ҳошим Арслонов ва бошқалар ижро этмоқда.

Томошабинлар спектаклни катта қизиқиш билан кутиб олди.

(ЎзА).

СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ

РОНАЛДОНИНГ РЕСТОРАНИ

Жаҳоннинг энг яхши футболчиси деб эътироф этилган бразилиялик — Роналдо ресторан очмоқчи. У "Р-9" деб номланади. Бу ном футболчи исмининг биринчи ҳарфи ҳамда унинг футбол майкасидаги рақамдан олинган.

Ресторан уч қаватдан иборат. Биринчи қаватда ҳар қандай мижоз хоҳлаган таомни тановул қилиши мумкин. Иккинчи қаватда рақс майдончаси жойлашган. Учинчи қават эса "Ўта муҳим шахс"ларга мўлжалланган.

Роналдонинг ресторани шу йил 12 август куни Рио-де-Жанейрода очилади.

ФЕТИСОВ ХОККЕЙНИ ТАРК ЭТАДИ

Россиянинг энг кўзга кўринган хоккейчиларидан бири бўлмиш Вячеслав Фетисов хоккейни тарк этади. У охирги ўйинини 17 август куни "Спартак кубоги" мусобақаларида "Россия юлдузлари" жамоаси таркибида ўтказиш истагини билдирди.

9 йил аввал Фетисов рус хоккейчилари ичида биринчилардан бўлиб Американинг миллий хоккей лигасида фаолият бошлаган эди. Шу йиллар ичида у икки марта Детройтнинг "Ред уингз" жамоаси таркибида Стенли кубоги эгаси бўлган.

РОМАРИОНИНГ БОШИГА ТАШВИШ ТУШДИ

Бразилиялик футбол юлдузларидан бири Ромарионни футболга умуман алоқаси бўлмаган муаммолар қийнамоқда. Гап шундаки, бразилиялик фотомодел Андреа Оливейра ўзининг икки ярим ёшга тўлган ўғли Габриел Жозефни Ромарионинг ўғли экани ҳақида гап тарқатиб, машҳур футболчига даъво қила бошлади.

Бундан тонган Ромарио ўз айбсизлигини исботлаш учун махсус экспертиза ўтказишни талаб қилмоқда.

САМПРАС ҲАМОН ПЕШҚАДАМ

Профессионал теннисчилар уюшмаси навбатдаги сўнгги рўйхатини эълон қилди. Унда ҳали ҳам америкалик Пит Сампрас биринчи ўринни эгаллаб турибди. Иккинчи ўринда — чилилик Марсело Салос. Яқиндагина иккинчи ўринни эгаллаб турган Майкл Чанг эса иккинчи ўнликдаги охирги ўринга тушиб қолди. Россиялик Александр Кафельников 8-ўринда турибди.

Сўнгги кунларда америкалик Андре Агассининг исми кўп тилга олинмоқда. Чунки у икки ҳафта давомида 18-ўриндан 11-ўринга чиқишга муваффақ бўлган.

(ЎзА).

Бу қизиқ

75-80 ЙИЛ УМР КЎРГАН КИШИ:

- 22 тонна озиқ-овқат тановул қилади ва 33 минг литр суюқлик ичади. Бундан ҳосил бўладиган энергия саҳни 100 квадрат метрли ҳонадонни 10 йил давомида иситишга етади.
- Юраги 3 миллиард марта атрофида уради, ўпкаси эса 720 миллион марта нафас олади ва нафас чиқаради.
- 23 минг литр сўлак, 18 минг литр тер чиқаради, кўзни 300 миллион марта қисади, 4 метр тирноқ қиркади.

МУЗТОҒЛАР — СУВ КОНИ

ЧЕКСИЗ уммонларда сузиб юрувчи музтоғлар (айсберглар)ни битмас-туганмас чучук сув манбалари, деб бежиз айтишмайди. Шу нуқтаи назардан уларнинг аҳамияти бекиёсдир. Ҳозирги вақтда курраи заминимизда истиқомат қилаётган аҳолининг деярли ярми, яъни 2,5 миллиард киши сув етишмаслигидан азият чекмоқда. Антарктидада эса 50 минг йил давомида 27 миллион куб метр ҳажмидаги музга айланган сув тўпланган. Бу жаҳондаги ичимлик сув захираларининг тўртдан уч қисмини ташкил қилади. Ҳар йили салкам 5 мингта янги муз тоғлари Антарктидадан бўлиниб чиқади ва сувда саёҳат қила бошлайди.

Уларни эритиб чучук сувини аҳоли эҳтиётжи учун фойдаланиш мумкин эмасми? Жаҳондаги кўпгина мутахассислар бу ҳақда бош қотирмоқдалар. Улар айрим лойиҳаларни ҳам таклиф этишяпти. Масалан, музтоғларни олдин Фолкленд оролларига (бу ерда музтоғлар учун бекат бўлади), сўнгра қурғоқ Африка ёки Жанубий Америка қирғоқларга тортиб келадиган катта кемалар барпо этиш лойиҳалари бор.

Ҳисоблаб чиқишларича, узунлиги бир километр ва кенглиги 500 метр атрофидаги битта музтоғ бир миллион аҳолини бир йил давомида ичимлик сув билан таъминлашга етар экан.

ЧЎЧҚА... ЙЎЛБАРСЛАРНИ ЭМИЗАДИ

Таиландда йўлбарсларни тутқинликда кўпайтириш билан шуғулланувчи питомник бор. Бу ерда деярли юзта катта йўлбарс ва уларнинг ўттизтага яқин болалари боқилмоқда. Шуниси қизиқки, болаларини эмизиш она чўчқа зиммасига юклатилган. Маҳаллий зоотехниклар чўчқа сути туфайли йўлбарс болалари анча тез ўсишини ва касалликларга кам чалинишини аниқладилар.

Об-ҳаво

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан олинган хабарга қараганда, 8—12 август кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво мўътадил келади. Фақат айрим тоғли туманларда ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши эҳтимоли бор. Ҳарорат кечалари 17—22, кундуз кунлари 31—36 даражага етади. Вилоятимизнинг тоғли ҳудудларида ҳарорат кечалари 12—17, кундуз кунлари 22—27 даража атрофида иссиқ бўлади.

Собир Раҳимов туманидаги «Баховутдин ота» хусусий корхонаси

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 46-74-61 телефон орқали қабул қилинади.

Ҳамза туманидаги «Игорь и К°» кичик корхонаси

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 100-14-10 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туман судининг думалоқ гербли асосий муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0159. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.* Адади 8.777 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди –18.30. 1 2 3 4 5 6